



ИНСОН ва ҚОНОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2

2019 йил 22 январь

сешанба № 2 (1152)


e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ



САҲИФАЛАРДА:

Иннанкейин-чи?

— Икки йилдан буён иннанкейинчи деявериб, "хит" қилиб юбордингиз... Пиёдалар йўлагини қуриш керак, гап тамом, вассалом.

3-БЕТ ►

Маданият осмонга чиқдими?

Оддийгина, навбатга туриш маданиятидан ҳам узоқлашиб кетаяпмизми?

4-БЕТ ►

Энг шов-шувли журналист текшируви

Журналистнинг жонига бир неча бор сунқасд уюштирилса-да, у ўз касбига содик қолиб, орқага чекинмади. — "Инсонлар айбисиз ўлишмоқда. Бундан бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмайман ва ўйлашга ҳаққим ҳам йўқ", — деб ёзади

6-БЕТ ►

Фирибгарлар қўйган алдов тўри

Бугунги кунда фирибгарликнинг янгидан янги кўринишлари пайдо бўляяпти. Масалан, ўзга шахснинг номига кредит ёки товар олиш каби жиноятларнинг содир этилишига нима дейсиз? Ачинарлиси, бу туркумдаги жиноятлар эпизодининг кўплиги билан кишини ҳайратга солади.

7-БЕТ ►

ОНАМНИ КИМ ҚАЙТАРИБ БЕРАДИ?

Менинг ғонимида қўйган онажоним Нурхон Ғофурова вафот этди. Мен ҳамалганимида 10 ёт бўлган ва бувисининг қўшида қолган яъқою жона фарзандим Фарангиз Собиржонованинг эса ҷулдек болалиги хазон бўйди.

2-3 БЕТЛАР ►

Чироқлар қани, ХҮЖАЙИН?

Ёхуд симёғочлардан чироқлар
териб олингани хусусида

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили "Обод қишлоқ ва обод маҳалла" дастурлари қабул килинг, ҳар бир туман ва шаҳарда иккитадан қишлоқ ҳамда маҳаллаларда улкан бундкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, бу гўшаларнинг шаклу шамомили таниб бўймас даражада ўзгариб кетди. Ўтган ёз ойнинг ўрталарида Республика мазоҳири "Ёшпар — Ўзбекистон келажаги" шиори остидаги "Обод кўнгил тарғибот лойиҳаси" доирасида бир гурӯх танили Ҷозиришни шоирлар, санъаткорлар, спортчилар, журналистлар маҳаллалар ҳәти билип яқиндан танишидилар. Шу тадбирлар сабаби, ишқилиб Бёевут туманидаги 3-Боевут СФУ хўжалигида ҳам хўжалик гарчи "Обод қишлоқ" дастурига тушмаса-да, бир мунча хайрли ишлар амалга оширилди. Гулистан — Бёевут ўйналишидаги йўл ёқасида жойлашган аҳоли таржихий пунктлари — Дўстлик, Садриддин Айнӣ, Амир Темур номли маҳаллаларда ижобий ўзгаришлар рўй берди. 7 километрик йўл ёқасидаги симёғочларга юзлаб кам кувватди ишлайдиган тунги ёрттигич чироқлар ўрнатилди. Аҳоли бундан роса севинди, "бўлар экан-ку, ҳамай бу кетиша Тошкентга етиб оламиз-ов", дег бир-бирларiga ҳазиз қилиши.

Маҳалла кексалари энди кечаси көринмай, болалар ва аёллар қоронгулидан кўркмай бемалол юрадиган бўлишиди. Минг афсуски, аҳолининг бу күвончи узоқча чўзилмади. Тунги ёрттигичларнинг умри киска, бор-йўғи 45-50 кунлик экан, холос. Тунги ёрттигичлар тезлиди симёғочлардан ёниб олинди. Факат Амир Темур маҳалласи худудидаги ёрттигичлар колди. Бунга сабаб шу ерлик аҳолининг тунги ёрттигичларни олиб кетаётганларга қаршилик кўрсатгани бўлди.

Шу хўжалиидаги Дўстлик маҳалласида яшовчи жонкуяр педагог Аъзам Омонбоев ҳамкишлопларининг илтимосига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига тунги ёрттигичларни ёниб олингандаги юзасидан мурожаат қилди. 2018 йилнинг 27 оқтабр санаси билан А.Омонбоев туман ҳокими ў.Мамадамонидан жавоб хати олди. Унда ушбу тунги чироқ устунлари аҳоли хонадонларига тегиши томорқаларда жойлашган бўлиб, автомобил йўлни ёртмаганинига сабаби ёниб олингандаги изоҳ берилган ҳамда яқин келажакда йўл ёқасида тунги ёрттигичларни устунлари ва чироқлар ўрнатиш тошириги берилиб, назоратга олинди, деййлан. Бёевут тумани ҳокимининг бу жавоб хатини ўқиб, кўнглимидан Президентининг халиқимиз артага, узоқ келажакда замас, бугун яхши яшиша керак, деган пурмасло гапларни ўтиди. Халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишонч тўйгуси кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда раҳбар ходимларнинг "яқин келажакда" деб сўзлашлари бугуннинг гапими?

Шуҳрат СУЯРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



ИННАНКЕЙИН-ЧИ?!

ҚИБРАЙ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ЭЪТИБОРИГА

...Хўш, иннанкейинчи?

— Янги замон кўчамиздаги 10-мактаб билан катта йўл бўйидаги 9-мактаб ораси 1,5 чақиримлик масофа. Уловлар ва пиёдалар учун битта йўл, тагин бу ерда ҳаракат жуда серқатнов. Шу боис, йўл четидан пиёдалар йўлакчиси килиб берсангиз, яхши бўларди!

— Хўш, иннанкейинчи?

— Бутун маҳалла-кўй сизни ду килади, обрў-эътиборингиз ошади.

— Хўш иннанкейинчи?

— Иккى йилдан бўён иннанкейинчи деявериб, "хит" қилиб юбордингиз... Пиёдалар йўлаганин куриш керак, гап тамом, вассалом.


шу битта йўлда пиёдалар ҳам араплашиб ҳаракатланмоқда. Бу эса қандай салбий оқибатларни кептириб қичариши мумкинлигини айтиб ўтиришга ҳожат йўқдир. Сўзини мурожаат муаллифидан эшитамиш.

— Биз 2016 йилнинг октябрь ойида Баш вазирининг Виртуал қабулхонасига маҳалламиз фоллари Б.Усмонов, А.Сайдуллаев, Б.Исаков ва Б.Шукуровлар мурожаат қилган эдик. Ҳеч канча вақт ўтмай Виртуал қабулхонадан масъул вакиллар келиб, муаммони жойида ўрганишида ва мутасадди ташкилотга мазкур масалани кечиктирмасдан ҳал этиш бўйича тегиши топширикни берди. Биз бундан бошида

ёзибди...

Мурожаат муаллифлари билан сұхбатимиз чоғида шу нарса аёв бўлдики, маҳалла аҳоли пиёдалар йўлакчиси куриш бўйича кўп жоға мурожаат қилган. Мурожаатта жавоб ҳатларида эса муаммоли масалани ҳал этиш кўбина қибларни кептириб берилган. Улар эса ишнинг бирламчи қисмими бошлаб кўйгану сўрганларга "қўлини туроққа белаб" "мана, раис бою, кўриб турганингиздек кечакундуз ишляяпмиз..." қабилида жавоб берил келишган.

Мутасаддиларнинг "мағтова" арзигулик бажарган ишларини газетада ёртиши учун суратта



Тахририятга Қибрай туманинг Олмазор маҳалласида яшовчи фуқаролардан мурожаат келиб тушиди. Мурожаатдаги муаммони ўрганиш мақсадида ўша жойига бордик. Ҳакиқатан ҳам Олмазор маҳалласининг бошланишида Қибрай туман ҳалк таълимига қарашли 9-мактаб, маҳалла адигига етмасдан эса 10-мактаб жойлашган экан. Муаммо шундаки мазкур таълим масканларини боғлаб турувчи автомобиль йўлини бори пиёдалар йўлакчиси эса ўйқекан.

Мазкур йўлни чамаси 10 давриялар кузатиб турдим. Шу вақт мобайнида йўлдан 60 дан зиёд автомобиль, 10 дан ортиқ пиёдалар ўтиб қайтиди. Йўлнинг кенглигига иккита машина зўрга сигади. Гапнинг индаллосини айтганда, автомобиллар ҳаракатланишига мўлжалланган ана

хурсанд бўлган эдик. Аммо натижада

олдим. Суратга олиш жараёни осон кечмади, ўзимни пиёдалар йўлакчиасида турибман, дея ёнга қийшайиброк фотоаппаратнинг фокусини объектига тўғирлашимни биламан елдек "учиб" ўтган "дамас" автомобили нақд кулогимдан илбет кетай деди.

Ҳа, маҳалла аҳлиниң ёзғирганича бор. Бу ердаги пиёдалар йўлакчининг фойдаланишига яроқсизлиги ўтиб қайтётгандарга ҳар дақиқада хавф соя солиб турибди. Шундай экан, Қибрай туман ҳокимлиги ва "Дўрмонавтойўл" ИЙФУдан амалий жавоб кутиб қоламиз.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ҚАЙТАРИБ БЕРАДИ? бир томчи кўз ёшига арзимайди бу дунё...

килинган.

Шундан сўнг орадан уч йилга яқин вақт ўтди. Бирок ўзининг ҳақлигини исботлаш, адопат учун кураши мақсади сабиқ капитана тинчлик бермайди. Ана шунда ислоҳотлар, ўзгариши ва янгиланишлар унга яна қанот багишилади. Шу боис 2017 йил 15 декабрь куни Фарғона шаҳрида ўтказилган сайдер қабулда Бош прокуратура раҳбариятига ҳам мурожаат қилди. Шу билан бирга, ўзининг вакъларини тасдиқловчи барча хуложатларни ҳам тақдим этди. Натижада, 2018 йил января ойидаги Бош прокурор ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори томонидан Ҳарбий суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 25 февралдаги ажримни бекор килиш юзасидан протест келтирилди. Мазкур протест эса 2018 йил

8 февралда Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида қўриб чиқилиб, суднинг юкоридаги ажрими бекор килинган ва янгидан кўриш учун шу инстанция судига юзориганди.

Буни қарангли, Ҳарбий суднинг апелляция суди мажлисида Мўътабар Фофурованинг айбисизлиги ўз исботини топди.

Шу боис апелляция ҳайъатининг 2018 йил 29 майдаги ажрими билан суднинг 2009 йил 23 декабрдаги ҳукми бекор қилиниб, М.Фофурова ҳаракатларди жиноят атти. Ҳарбий прокурори томонидан Ҳарбий прокуратура раҳбариятига, Ҳарбий судига, хусусан, судья Ақмалкон Жонқобиловга ҳамда ҳимоячим — Тошкент шаҳридан "Best Legal Expert" адвокатлар фирмаси адвокати Баҳтиёр Камоловга ўз миннадорчили-

зин оқибатларини Жиноят процессуал кодексининг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш хукуки ҳам тушунтирилди.

Албаттa, суд томонидан оқлангач, 2018 йил сентябрь ойидан Мўътабар Фофурованинг пенсияси тикланди. Қолаверса, 103 миллион сўмдан иборат 8 йиллик пенсияси ҳам тўлаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ДХХ раисининг 2018 йил 5 октябрдаги бўйругига асосан унинг "капитан" — ҳарбий увони ҳам тикланди.

— "Инсон ва қонун" газетасида "Беш йилдан сўнг оқланган нотариус" сарлавҳали мақолани ўқиб, қалбимда умид учкунни пайдо бўлиб, мурожаат қилдим. Тахририят ходимлари менинг тақдиримга безъ тибор қарашмади. Кези келганджа жамиятимизда адолат ҳарор топишими таъминлагандан Президентимизга, қолаверса, мени оқлаб, юзимни ўргу қилган Бош прокуратура раҳбариятига, Республика Ҳарбий прокуратураси ва Ҳарбий судига, хусусан, судья Ақмалкон Жонқобиловга ҳамда ҳимоячим — Тошкент шаҳридан "Best Legal Expert" адвокатлар фирмаси адвокати Баҳтиёр Камоловга ўз миннадорчили-

зинни билдираман, — дега сўзини давом эттиради Мўътабар опа. — Лекин ҳалим янни бир савон қийнайди: Суд мени оқлади, пенсиям ва хизмат унвоним тикланди. Бироқ озодликдан маҳрум килиши жазосини ўтайдиганимда — 2014 йил 2 сентябрда менинг догимда куйган онажоним Нурхон Фофурова вафот этди. Мен қамалганимда 10 ёш бўлган ба бувисининг кўлида қолган ягона фарзандим Фарғониг Собиржоновинг эса гулдек болалиги хазон бўлди.

Энди ўзининг айтинг: "Бу ўйқотишларим ва изтироблар ўрнини ким ва нима тўлдиради? Қолаверса, Жиноят кодексининг 230-моддаси (Айбизиз қишини жаъобгарлика тортиш) ва 231-моддаси (Адолатсимиз ҳукм, ҳал қилув қарор, ажрим ёки қарор чиқариш)га биноан мени ноҳаҳ жаъобгарлика тортган шахсларнинг ўзи қонун олдида жавоб беришмайдими?

Дарҳақиат, қаҳрамонимизнинг бу савони қишини ўйлантиради.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ: 10 ФОИЗ НОТАРИУСНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ


АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан ҳар ярим йилда нотариусларнинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими йўлга қўйилди. Бундан кўзланган мақсад тизимда халқа хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш, нотариуслар фаолиятидаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ҳалол ҳамда шаффоғ ишлайдиган кадрлар салоҳиятини янада ошириш хисобланади.

Нотариусларнинг 2018 йил II ярим йиллик фаолиятини баҳолаш маҳсус автоматлаштирилган электрон дастур орқали амалга оширилганлиги эътиборли. Баҳолаш мезони нотариал ҳаракатлар сони, нотариуснинг хизмат фаолияти ҳамда "Нотариус" автоматлаштирилган аҳбор тизимидаги унинг фаолиятига оид маъълумотлардан иборат бўлди. Натижаларга кўра, 635 нафар нотариусдан 21 нафари "аъло", 341 нафари "хаки", 209 нафари эса "қониқарли" баҳолга сазовор бўлди. Қолган 64 нафарининг фаолияти эса "талабга жавоб бермайди", деб баҳоланди.

Баҳолаш рейтингидаги Тошкент шаҳар Мирород туман 9-сон давлат нотариал идораси нотариуси Азиза

Шаназарова 91 балл (максимал 100 балгача), Тошкент шаҳар Олмазор туман 11-сон давлат нотариал идораси нотариуси Фозилжӯха Набиев 90 балл, Навоий вилоят Нурота туман давлат нотариал идораси нотариуси Икром Исаев 90 балл билан дастлабки учликни эгаллади. Энг ачинариси, 10 фоиз (64 нафар), яъни Андикон вилоятидан 38 нафар, Кашишадарёдан 8 нафар, Фарғонадан 6 нафар, Тошкент шаҳридан 4 нафар, Самарқанд вилоятидан 3 нафар, Наманган ва Хоразмдан 2 нафардан ҳамда Сирдарё вилоятидан 1 нафар нотариуснинг фаолияти "талабга жавоб бермайди", деб баҳоланди. Шу боис Адлия вазирлиги иш фаолияти "аъло", деб топилган нотариусларни раббларни баҳориша ва "талабга жавоб бермайди", деб баҳоландиган нотариуслар фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш тизимини ҳам яратди. Рейтингнинг тўлиқ рўйхати билан www.minjust.uz сайти орқали танишишиниз мумкин.

Айни пайтда, вазирлик нотариуслар фаолиятини бевосита фуқаролар томонидан нотариал хизматларни олиш вақтида баҳолаш тизимини жорий этиши



баўйича ишларни амалга ошироқмода. Бинонбарин, нотариуслар фаолиятини баҳолаш баўйича таклифларинизни info@minjust.gov.uz электрон почтасига йўллашингиз мумкин.

Адлия вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Вазирлик Ҳайъат мажлисида ҳам бу масалага алоҳида ёътибор қаратилди

САЙЁР ҚАБУЛ:

халқ ичига кириб, одамларнинг дардига қулоқ тутиш, уларга ёрдам беришнинг мақбул йўли бу!

НАВОИЙ вилоят адлия бошкармаси томонидан 30 дан ортиқ сайдер қабуллар ташкил этилди, ахолини кўйнаётган хукуқий масалаларга оид 380 дан ортиқ мурожаатларнинг 316 таси ижобий ҳал этилди, 58 та мурожаат бўйича хукуқий маслаҳатлар берилди, 16 та мурожаат соҳага алоқадорлиги бўйича йўналтирилди.

Савол туғилади. Бугун фуқароларни кўйнаётган хукуқий масалаларнинг аксарияти қандай мазмундаги мурожаатлар?

Бевосита, сайдер қабуллар жараёнда ахоли мурожаатларнинг мазмунига ёътибор берадиган бўлсак, уларнинг 257 таси (68 фоиз) бевосита инсон хукуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иктисодий соҳада хукуқни кўллаш амалийтига оид масалалар эканлиги кўзга ташланади.

Айтайлик, биргина олис Томди туманинг "Керис" овул фуқаролар йигинида ўтказилган сайдер қабул давомида ахолини кўйнаб келаётган уй-жой, тоза ичимлик суви, эскирган маданият клубини қўйта таъмирилаш, қўши Назистон Республикаси олийгоҳларни дипломарининг ностирификациялаш бўйича маслаҳатлар берилди.

Қолаверса, Қиззитепа туманининг "Ванғози" маҳалла фуқаролар йигинида ўтказилган сайдер қабул жараёнининг ўзида шаръий никоҳ асосида яшаб келаётган Комил Йидашев ва Саида Қўйлошевага никоҳ гувоҳномаси, фарзандига эса тугилганинг гувоҳномаси тақдим этилди. Туманинг "Зармитан" маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи 1-гурӯх ногиронлик аравачаси совға қўлини, карийб 6 йилдан бўён уй-жой хуложатизис "Шеҳон" МФИда яшовчи Баҳодир Эшнимовга уй-жой кадстор хуложатлари топширилди.

Шу пайтгача туман фермер хуложатлари отряд раҳбари бўйлиб ишлаган фуқароларнинг иш ҳақларни ундириб берилди. Шу пайтгача туман фермер хуложатлари отряд раҳбари бўйлиб ишлаган фуқароларнинг иш ҳақларни ундириб берилди.

Шерзод БАХРОНОВ,
Навоий вилоят адлия
бошқармаси бошлиги

Ҳе йўқ, бе йўқ боғча мудидалари ўз ходимларини

АРИЗА ОЛМАСДАН ТАЪТИЛГА ЧИҚАРГАН

НАВОИЙ шаҳридаги 21 ва 22-мактабча таътилмумусасаларида 2018 йил 23 июндан бошлаб капитал таъмилаш ишлари бошланган. Шу муносабат билан боғча тарбияланучилари бошқасига кўчирилган. Натижада, иккала боғчада ишловчи тарбиячи ва техник ходимлар ишга чақирилмаган. Энг ёмони, ёй ўй, бе йўқ боғча мудидалари ходимлардан ёзма равишда ариза олмасдан уларга таътил берилган.

Ушбу ҳолат юзасидан ходимлар мурожаати асосида ўрганилган ўтказилди. Унда иш берувчилик томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл кўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Мехнат кодексининг 159-моддасидаги ходимнинг айбисиз яроқиз маҳсулот тайёрланганда ва бекор турбий колининг вақтда унинг ўртача иш ҳақи сакланши беглиланган. Юқоридаги ҳолатда ҳам ходимларнинг ҳеч кандай айби ўй. Бундан ташкири, мактабчага таътилмумусасаси мудидалари ходимларини ишламай турбий қолган даврида бошқа меҳнат билан шугулланниши

таъминлаш баўйича тегишили юқори турувчи органга муроҳат билан чиқмаган.

Навоий шаҳар мактабчага таътилмумусасаси мудидалари ходимларини ишламай турбий қолган даврида бошқа меҳнат билан шугулланнишини таъминлаш ҳақида таътил билан чиқмаганини учун тегишили тартибда чора кўриш баўйича шаҳар мактабчага таътилмумусасаси мудидалари ходимларини ишламай турбий қолган даврида бошқа меҳнат билан шугулланниши

Азамат ХОЛМУМИНОВ,
Навоий шаҳар адлия
бўлими бошлиги

КОТИБА ҲАТОСИНИ ТАН ОЛДИ

БЎСТОНЛИҚ туман адлия бўлими ўтказилганда қотиба Ҳатосини тан олди. Ҳатосини тан олганда ҳамда Қораманас қишлоғидаги "Алғабас" маҳалласининг бир гурӯх фуқароларидан ариза келиб тушибди. Унда мурожаат музалифлари МФИ масъул котибаси Азима Тулеменовдан 2014 йилда ҳашар асосида кўрилган маҳалла идорасини ўзбoshimchilik bilan egallab oлганidan noroz bilib, уни қайтариб олишида амалий ёрдам сўрашган.

Дарҳақиқат, туман адлия бўлими томонидан айни мурожаат ўрганилганда А.Тулеменова Қораманас қишлоғига, Илак ўйли кўчаси, 50-йуда жойлашган маҳалла идорасини ўзбoshimchilik bilan egallab oлган, энг қизиги, туман ҳокимининг 2018 йил 5 февралдаги 235-сонлиқ қарорига асосан унинг умумий майдони 136 квадрат метрдан иборат ушбу мулкка мерос қилиб қолдирилдиган умброд агалик хукуки тан олингани ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиб, тегиши гувоҳнома берилгани аён бўлди. Оқибатда маҳалла фуқароларнига 34-умутмалым таътил мактабида фаолият юритаётганлиги, мактаб ўкувчилиги маҳалладаги турли оиласви ке-

лишмовчиликлар, ичкиликка ружу кўйган шахслар ва бошқа нозик масалалар муҳокамасига гувоҳ бўлаётгани, бу эса уларнинг тарбиясига ҳамда муассасадаги таътилмумусасаси мудидалари ходимларини ишламай турбий қолган даврида бошқа меҳнат билан шугулланнишини таъминлаш ҳақида таътил билан чиқмаганини учун тегишили тартибда чора кўриш баўйича шаҳар мактабчага таътилмумусасаси мудидалари ходимларини ишламай турбий қолган даврида бошқа меҳнат билан шугулланниши

Шунга кўра, адлия бўлими томонидан туман ҳокимининг 2018 йил 5 февралдаги 235-сонлиқ қарорини бекор келиш ва МФИ идорасини туман ҳокимлиги балансига қабул қилиш юзасидан киритилди.

Шу тарпиқа фуқароларнинг мурожаати қаноатлантирилиб, бузилган хукуки тикланди.

Одил ХОЛИКОВ,
Бўстонлиқ туман адлия
бўлими бошлиги

Фарзандлар ўз отасидан НОРИЗО БЎЛИШДИ... Ва...

НАЗИРЖОН отанинг матърака-маросимлари ўти-ю, кичик кизи Гулмира билан ўртанича ўғли Сардор отасидан қолган ҳовлини бўлиш ёки ундан ўзларига улуш олиш дардига тушиб қилишди. Шу мақсаддада катта акаси ва опасига айтмай, ўзбошимчалик билан туман нотариал идорасига маслаҳатга боришиди. Аммо нотариус уларга отаси ҳаётлигида ўй-жойни кенжак уаси Тўлқинконга васит қилиб қолдирганлигини маълум қилди.

— Отангиз бундан икки йил аввал ҳовли-жойни уканлизга васият қўлганлар. Шунга кўра, биз васиятномани тасдиқлаганимиз, — дега мазкур ҳаракатнинг қонуний амалга оширилганлигини ётири билан тушунтириди нотариус.

— Нега бизга, яъни қолган фарзандларига ҳабар бермагансизлар ёки ҷаирмагансизлар?, — эътироz билдириди Гулмира. Бунга жавобан нотариус изоҳ берди:

— Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига асосан фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг майлан қисмими қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахса, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатта ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳамасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишади.

Бу гапни эшишиб, бир томондан ака-сингилнинг тарвузи қўлтиғидан тушган бўлса, иккинчи жиҳатдан фигони фалакка чиқди.

— Охирги йилларда дадам қаригланадан кечга айтган гапларини ҳам эсдан ҷаирни кўяётгандилар. Қолаверса, ёзиши ҳам тузук-куруқ билмас эзилар. Укам Тўлқин шундан фойдаланиб қолган, — деб гапга қўшилди мерос илинжида бўлган Сардор.

Шундан сўнг кўп ўтмай иккалasi ўша пайтда отасининг ақли-хуши жойида

бўлмаганини, васиятномани ўзи имзолай олмаслигини вож қилиб, васиятномани бекор қилиш юзасидан судга даъво ариза киритишиди.

Албатта, қундаклик ҳаётимида бундай воқеалар тез-тез учраб туради. Бу ҳам бўлса айрим ҳамюрларимизнинг ҳуқуқий билим ва тушучларни етарли эмаслигидандир. Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий оңг ва ҳуқуқий маданияти юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ги Фармони эса аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш ва шу орқали қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиди. Мазкур Фармонга кўра, жамиятда ҳуқуқий оңг ва ҳуқуқий маданияти юксалтириш вазифалари "Жамиядада қонунларга ҳурмат руҳини карор топтириши" — демократик ҳуқуқий давлат қуришининг гаровидидир!, деган ёхтей ғозини мустаҳкамлаш, шахсий манбаатлар ҳамда жамият манбаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб шинни орқали амалга оширилиши ётирибога молик.

Шу ўринда шахсий манбаатлар ҳамда жамият манбаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояси юзасидан айрим мулоҳазаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Маълумки, шахсий манбаат аксарияти қонунбузилиш ҳолатлари ва жиноятларини бош омилли саналади. Яъни, ҳоҳ жинои қилимиш, ҳоҳ маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки юқоридағи каби фуқаролик низоси бўлсин, албатта, буларнинг аксарияти шахсий манбаат тифайли юзага келади. Аникроқ айтганда, ҳамма ҳам жамият манбаатини шахсий манбаатидан устун қўя олмайди. Оддий мисол, қайсирид қўшнимиз ёки маҳалладошимиз табии газ ёхуд электр энергиясидан ўғринча фойдаланаётган бўлса, у билан аразлашиб қолмаслик учун лом-мим, демаймиз. Ёинки "менга нима" қабилида иш тутиб, мумкин бўлмаган жойга чиқинди ташлаётган кимсани қўриб қўрмаганга оламиз. Қайсирид ташкилот, муассаса ёки идорада коррупцион вазиятга дуч келсак, "сотқин"га чиқиб қолмаслик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳабар бермаймиз. Қолаверса, "Бир болага етти маҳалла ота-она", деган нақлни билсак-да, қўни-қўшнимизнинг ўқишга бормай, кўчада бебошлиқ қилиб юрган фарзандини тартибга чақирмаймиз. Оқибатда, бу салбий ҳолатларнинг жабрини бошқалар билан бирга тортамиз. Ҳуқуқий маданияти шаклланган, қонунни ҳурмат қилган инсон эса ҳеч шубҳасиз шахсий манбаатидан жамият манбаатини афзал билади.

Аникроқ айтганда, ҳамма ҳам жамият манбаатидан устун қўя олмайди. Оддий мисол, қайсирид қўшнимиз ёки маҳалладошимиз табии газ ёхуд электр энергиясидан ўғринча фойдаланаётган бўлса, у билан аразлашиб қолмаслик учун лом-мим, демаймиз. Ёинки "менга нима" қабилида иш тутиб, мумкин бўлмаган жойга чиқинди ташлаётган кимсани қўриб қўрмаганга оламиз. Қайсирид ташкилот, муассаса ёки идорада коррупцион вазиятга дуч келсак, "сотқин"га чиқиб қолмаслик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳабар бермаймиз. Қолаверса, "Бир болага етти маҳалла ота-она", деган нақлни билсак-да, қўни-қўшнимизнинг ўқишга бормай, кўчада бебошлиқ қилиб юрган фарзандини тартибга чақирмаймиз. Оқибатда, бу салбий ҳолатларнинг жабрини бошқалар билан бирга тортамиз. Ҳуқуқий маданияти шаклланган, қонунни ҳурмат қилган инсон эса ҳеч шубҳасиз шахсий манбаатидан жамият манбаатини афзал билади.

Ёки идорада коррупцион вазиятга дуч келсак, "сотқин"га чиқиб қолмаслик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳабар бермаймиз. Қолаверса, "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган нақлни билсак-да, қўни-қўшнимизнинг ўқишга бормай, кўчада бебошлиқ қилиб юрган фарзандини тартибга чақирмаймиз. Оқибатда, бу салбий ҳолатларнинг жабрини бошқалар билан бирга тортамиз. Ҳуқуқий маданияти шаклланган, қонунни ҳурмат қилган инсон эса ҳеч шубҳасиз шахсий манбаатидан жамият манбаатини афзал билади.

Янги Фармоннинг яна бир ётиборли жиҳати шундаки, эндилиқида ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўғринча фойдаланаётган бўлса, у билан аразлашиб қолмаслик учун лом-мим демаймиз. Ёинки "менга нима" қабилида иш тутиб, мумкин бўлмаган жойга чиқинди ташлаётган кимсани қўриб қўрмаганга оламиз. Қайсирид ташкилот, муассаса

янги таъсис этиладиган "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиши" кўкрак нишони билан тақдирланади.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошизмизнинг юқоридағи Фармони биз нотариуслар зиммасига ҳам жиддий масъулият юқлади. Яъни, энди нотариуслар юртошларимиз билан янада кўпроқ мулоқоти киришиб, қарз ёки бошча моддий қимматликлар ёхуд ўй-жой ва мол-мулк оли-сотидиси каби ҳаракатларни нотариал тартибида тасдиқлатиш аҳамиятини ҳамда қонунчиликдаги янгилик ва ўзгаришлар мазмун-моҳиятини кенгроғ тушунтириб боришлари шарт. Бу борада айниска, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва маҳалла фуқаролар йигинлари билан кўпроқ ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ.

**Дилором РАСУЛОВА,
Фармон шаҳар 1-сон давлат
нотариал идораси нотариуси**

МИЛЛАТ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛГАН МАҚОЛА

Энг ШОВ-ШУВЛИ журналист текшируви



- Инсонлар ўлимига жим қараб туролмайман
- Мултонлар ишида мухбир иродсига дарз кетмади
- Журналист деб шундай одамни айтишиади

МАЪЛУМКИ, ҳар бир давронинг ўз салоҳияти, қасбий фуқароликлиги, билим ва иқтидори билан тарих саҳифаларида мангу из қолдирган буюк инсонлари бўлган. Шулар жумласидан, журналистика соҳасидаги бутун бошли ялат - а миллат тақдирини ҳал қилишга қодир сўзи қиличдек ўткир, холис ва ҳалол қалам эгари парининг номи то бугунги кунга қадар машҳур. Масалан, XIX асрнинг охирларидан яъни ўтган россиялиқ жур-

налист В.Г. Короленко ўзининг касбий салоҳияти ва фидойилиги билан журналистика тарихининг олтин саҳифаларидан муносиб жой олган ижодкорлардан бирорид. У етти йил давомидан турли тазииклар, ҳавф-хатар, очлик, қашшоқлик, ҳаттоқи таҳхирлар остида журналистик текшируви олиб борди. Натижада, жонини хатарга кўйиб, үдмурт златининг шашни ва динини химоя қилибнинг қолмай, полиция хизматидаги мансабдор кимсаларнинг зўравонлик ва шафқатсизлик ниҳобини ҳам ечиб ташлади. Бу воеқа бир гурух үдмурт деҳонларига нисбатан кўйилган диний маросим пайтида бутларга курбонлик учун котиллик содир эттаник айблови билан боғлиқ эди. 1892 йилда үдмуртларнинг Эски Мултон қышлогоидан узок бўлмаган жойда рус миллатига мансуб бошиси одам жасади топилади. Ҳудудий полиция шу қишлоқда яшовчи бир неча үдмуртларни котиллиқда айблаб хибса олади.

Короленко бу фожия "полиция боскичилар тўдаси" томонидан миллатлар ўртасида низо ўтини ёкиш мақсадидан атайлаб уюштирилган хиноят, деган фикр келади ва буни исботлашга маҳкам бел боғлайди. У суриштируви даставалан мултонликларнинг айбисиз эканлигини исботловчи далилларни излашдан бошлади. Бунинг учун ойлар, йиллар давомидан маҳаллий аҳоли билан яшашга, уларнинг турмуш ҳаётини ўрганишга тўғри келди. Натижада, уларнинг ишончини қозониб, гувоҳлардан керакли маълумотларни олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Короленко ўз касбидан содик қолиб, орқага чекинмади. — "Инсонлар айбисиз ўлишмода. Бундан бошча ҳеч нарсанги ўйлай олмайман ва ўйлашга ҳаққим ҳам йўк", — деб ёзди "Русских ведомостей" газетасининг редакторига.

Матбуот аралашуви ва журналистик салбий-ҳаракатларни натижасида суд инни қайта қўриб чиқади. Судда ҳимоячи сифатида иштирок этган Короленко үдмурт деҳонларининг айбисизлигини исботлашга эришади ва котиллик полициячилар томонидан атайлаб уюштирилганлигига рад этиб бўлмас далиллар келтиради. Шундай қилиб 1895-1896 йилларда дунё матбуотида катта шов-шувга сабаб бўлган "Мултонлар иши" номли мақола муаллифи В.Г. Короленко бугунги кунга қадар дунёдаги барча касбдошларига ифтихор ва наимуна бўлиб қолди.

"Инсон ва қонун" мухбири
Фарида КОРАҚУЛОВА тайёрлади.

Үғри "ОШИҚ" құлға тушди



НАСИБА ўзига түк, хурматтаға сазовор оила фарзанди. Ота-онаси уч фарзандни одобли, билимли бўлиши, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун ҳаракат қилди. Кенэса қиз — Насиба камчиллик, йўқчилик нималигини кўрмаган, тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада беармон, ўзига бино кўйган, тантиқ қиз бўлиб ўсди. Бу эркалик ота-онасининг бошига бир кун келиб жсафо келтириши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Ҳаммаси ота-онасининг ҳар йили меҳнат таътилида чет элга дам олиши кетишидан бошланди. Ўйда ёлғис қолган қиз ўзини эркин, озод қушдек, катта хўйайинлардек ҳис этишини ўрганди. Ҳар куни олийтоға таксида келиб-кетадиган кўхликина қизнинг йўлида бир куни учраган ҳайдовчи йигит қувроқ эканини, уни сухбатта тортид. Шахардан четроҳдаги маҳаллада турдиган қиз ҳам йўл бўйи гапта чечанлик қилиб, йигитни "боглаб" олди. Ҳозармада дарвоза олдида машинадан тушган қизга қизиқиб қолган йигит энди ҳар куни уни ўйдан институтта, институтдан ўтига кузатиб кўядиган бўлди. Ҳозирги ёшлар бир кунда танишиб, иккичи кунда керакли, кераксиз гапларни, аниқлийдиган оиласиб сирларни ҳебоңаларда айтиша ўрганиб қолган.

Насибанинг ҳам ҳар куни машинача чикандан то ундан тушгучна мақтамаган нарсалари қолмади. Йигитча энди бу маҳобатни дарвоза ортида қандай бойлайлар борлигини, хонадон соҳиблари қайси дениз гўйида қочангана дам олишини жуда яхши билди. У бир куни бу дарвозадан ичкарига кириш йўлини топди. Насибанинг ўтига тансикга таом кутариб қелиб, бирга тушлик қилишини таклиф қилган йигитга бу дарвоза эшиклари очиди.

Ўзини меҳри ошик қилиб кўрсаттан йигитчанинг режалари энди аниқ эди. Ўйлаган режасини амалга оширадиган кунни ҳам тезлашибди. Чунки уй эталари чот аз сафаридан қайтадиган кунлар яқинлашадиганди. Ҳоллига ўғирлика кирадиган куни қизга қўнгириқ қилиб, бугун

кела олмаслигини, уни институтта бир дўсти машинасида олиб бориб қўйишини билдириб, узр сўраб, ўзи маҳалладан четроҳда кузатиб турди. Дўстидан Насибанинг олийтоға кириш кеттанини шизтгандан сўнг мўлжаллаб кўйтган жойидан ховли деворидан ошиб, ичкарига кирди. Уйдан анча-мунча қимматбаҳо нарсаларни билинтирилмасдан олиб келиб кетди. Бу қимматбаҳо нарсалар мақтандоқ қиз онасининг бриллиант кўсли узук ва зирақлари, бир қанча тилла тақинчоқлар, пуллар, ноутбук ва бошқа буюмлар эди.

Устомоти ўтига ўйдаги сефирни очмасдан ичдаги бойлайларни олиш йўлини ҳам топлан. Қандай қилиб дейсизми? Темир сандиқнинг орқа томонини кесиб, нарсаларни олиб бўлгач, тешники ёбиб, тўприлди кўйдан.

Осмонларга учиб юрган бепарво, эътиборсиз қиз ўйдан нарсаларнинг йўқолганини, ҳатто сезмайди ҳам.

Орадан кунлар ўтиб, ота-онаси сафардан қайтта, таътил туғаб, исха отланёттани онаси ноутбукдан нимадирни кўрмоқчи бўлиб, компьютерни излаб топломагач, Насибадан сўрайди. У елка қисиб, билмаслигини, ҳеч кимга бермаганини айттаб, ажабланди. Катта ҳовли, кўп уй бўлса, бир жойда тургандир, деб ўйлайди. Ишдан сўнг бемалол топарман, деб ўйлайди. Онанин бошига энг катта зарба эса, бриллиант кўсли зирагини тақмоқчи бўлиб, темир сандик (сейф)ни очганида тушади... Сейф очилмаган... аммо ичдаги тақинчоқларни, пулларнинг йўклигини кўриб, у ўзини йўқотиб кўйди... Дарвоза ёки уй эшикларининг қулфлари

жойида, бузилмаган. Нарсалар қаерга кетиши мумкин?.. Сирли ўғирлик.

Ички ишлар идораларига бу сирли ўғирлик ҳақида хабар беришага, терлов ишлари бошланди. Ўгри ўзидан бирор из қолдирмаган. Уни топиш ҳам осон бўлмаслиги аниқ. Аммо маҳалла ҳудудида жойлашган савдо дўкони ҳодимларининг хўшеберли ҳамда ички ишлар идоралари ҳодимларининг маҳорати туфайли бу жиноят изи тез топлиди. Терловга чакрилиган қўни-қўшиш ва хусусий дўкон ишчилари хонадон соҳиблари йўлинида эшик олдида ҳар куни келиб турдиган машина ракамини, русумини салаб қолган экан. Терлов чогида ҳамма нарса аён бўлди. Анча-мунча тилла тақинчоқларни ўғирлаб, арzon-гаровга пуллаётганда қўлга тушмаган Рашван Солиев ўз машинаси ёрдамида тузоқи илини. Жиноятчига жазо тайинланди. Аммо жиноята ўйлочи берган, жиноятчига кўл берган қизга виодан азоби тинчлик берармикан?

Шу ўринда, бা�зъи ота-оналарнинг бамайлихотирлиги, вояга етган, етмаган фарзандларини, айнича, қизларини ёлғиз қолдирб, бошқа давлатларга пул топиш учун кетаёттанинни ҳам оқлаб бўлмайди. Атиги бир неча кунга дам олиши кетган ота-онанинг қизи кўрсатсан "каромати" шундай бўлса, ойлаб, йиллаб четта кеттанинни фарзандлари нималарга гирифтор қимлайди ёки бўлмайди, деб ким кафолат бера оларди?

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ФИРИБГАРЛАР ҚЎЙГАН АЛДОВ ТЎРИ

БУГУНГИ кунда фирибгарликнинг янгидан янги кўринишлари пайдо бўляяпти. Масалан, ўзга шахснинг номига кредит ёки товар олиш каби жинояларнинг содир этилишига нима дейсиз? Ачинарлиси, бу туркумдаги жиноялар эпизодининг кўплиги билан кишини ҳайратга солади. Фирибгарликнинг ҳадисини олган кимсалар соддадил одамларнинг гўёки "ҳожати"ни чиқаргандек кўриниб, "ўқишига киритиб кўяман", "ишга жойлашиша ёрдам бераман", айни пайтда "имтиёзли кредит ёки товар олиб бераман", деб ишончини сунистеъмол қилиб, мўмай пулни қўлга киритади.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан фирибгарликка кўл урган бир гурух мусалларнинг қилимиши кўриб чиқилди.

Иш хужоатларига кўра, Р.Расулов, А.Ортиков, М.Бердиев, Д.Эргашев ва Н.Азимова (исм-шарифлар ўзгаришилган) ўзаро тил биринтириб, ўзганинг мулканини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни мақсад қилишади. Масалан, ушбу гурух 2017 йил 1 февралда Қоракамиш 2-3 даҳсада истикомат қиллаётган фуқаро Г.Курбоновани ўйнгоҳ очаёттаниларини айтиб ишонтиришиади. Г.Курбоновани ўйнгоҳ учун номига кредит шартномаси асосида телевизор олиб беришга, тўлонини ўз вақтида тўлашга, бунинг учун 200 000 сўм миқдорида моддий рағбатларнишини ваъда қилиб қизиқтириши. Шайхонтохур тумани, Хадра майдонида жойлашган "Asia Credit" бўлимида Г.Курбонована номига нархи 4 691 680 сўм бўлган "Samsung" русумли телевизорни расмийлаштириб олишиади. Бироқ улар Г.Курбоновага берган ваъдаларини тезда унтиб, телевизорни савдога чиқаришган.

Бундан ташкири, 2017 йил 11 февралда Н.Ҳамдамовани ҳам ёлғон тўрига илнитириб, кредит шартномаси асосида номига телевизор олиб беришга кўндиришиади. Яшнобод тумани, М.Улугбек қўясидаси жойлашган "Asia Credit" бўлимидан нархи 4 691 680 сўм бўлган бир дона "Samsung" русумли телевизорни Н.Ҳамдамова номига расмийлаштириб олишиади. Унга ҳам ҳар ойда кредит пулларини тўлаб беришини ваъда қилиб, бунинг учун 60 000 сўм миқдорида моддий рағбат сифатида пул бериб, ишончини қозонишиади. Лекин бу гал ҳам улар ўз ваъдаларида турмай, Н.Ҳамдамовани чуб туширадилар.

Ачинарлиси, ушбу гурух томонидан жуда кўплаб фуқаролар ёлғон ва алдов тўрига илниб, азият чекишишган.

Халқимизда, ёлғоннинг умри қисқа, деган гап бор. Афсуски, бу ёлғоннинг умри бироз чўзилган бўлсда, "қўза кунда эмас, куннада синади", деган паридек, содир эттан жиноятни қилишини ҳадамларга келтирилган зиён ва ташвишнинг қадами кесилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, бундай жиноялар, нафақат ёшлар балки, эс-хушини таниган кимсалар томонидан содир этилаёттани таассуфланарларидир. Аввало, буни айрим чиқарларнинг осон бойлик ортиришига бўлган иштиёни ошганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ачинарлиси, нахотки бундай тоифадаги одамлар "Мехнатнинг таги роҳат", "Бироннинг ҳақи ўзгага буюрмайди", "Қадами адашганинг қалби ҳам адашади" каби ҳётда ўз тасдигини топган ҳалқ мақолларини эшиштмай улгаяётган бўлса? Ахир, ато-бобаларимиз бундай ҳикматларни яхши билиси баробарида, уларга амал қилган, доимо бироннинг ҳақидан, ҳаромдан ҳазар қилишган-ку? Айни пайтда асрлар синовидан ўттани бу ҳикматларни ёшларимиз онига чукур сингдириши лозим. Ана шундагина афсус-надоматта ўрин қолмайди.

Шу ўринда айтиш лозимки, бундай жиноялар, нафақат ёшлар балки, эс-хушини таниган кимсалар томонидан содир этилаёттани таассуфланарларидир. Аввало, буни айрим чиқарларнинг осон бойлик ортиришига бўлган иштиёни ошганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ачинарлиси, нахотки бундай тоифадаги одамлар "Мехнатнинг таги роҳат", "Бироннинг ҳақи ўзгага буюрмайди", "Қадами адашганинг қалби ҳам адашади" каби ҳётда ўз тасдигини топган ҳалқ мақолларини эшиштмай улгаяётган бўлса? Ахир, ато-бобаларимиз бундай ҳикматларни яхши билиси баробарида, уларга амал қилган, доимо бироннинг ҳақидан, ҳаромдан ҳазар қилишган-ку? Айни пайтда асрлар синовидан ўттани бу ҳикматларни ёшларимиз онига чукур сингдириши лозим. Ана шундагина афсус-надоматта ўрин қолмайди.

Мирзиёд АБИДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмазор туман суди судьиаси,
Гулсум ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЎЧ ОЛИШ УЧУН ЎТ ҚЎЙДИ



беч эшишиш, ўзаро айтишув ва жанжаллашишлар ўтай онанинг газабини ўйтотди. Шахнозадан ўч олиш пайига тушди. М.Кўчарова ўзининг жиноятни режасини амалга ошириш мақсадидан 2017 йил 3 июн кунги тунги оғизи 02:00 да Шахноза ва унинг вояга етмаган фарзандлари Кувончбек, Темурбек ва Чарослар ухлаб ётган ёткоҳнага ўт қўйди. Олов аланга олиши билан эшикни ташқаридан кулфлаб кўчага чиқиб кетди ва катта йўл бўйлаб юриб эски, одам яшамайдиган ташландик бинога кириб тонг отганича ўша ерда ўтириди. Ўт қўйилган хонада эса Шахноза Абдурахмонова ва унинг фарзандлари Темурбек ва Чарослар ходида жойида, Кувончбек эса 2017 йилнинг 8 июн куни шифохонада кўрсатилган тиббий муолажаларга ҳарамасдан вафот эти.

М.Кўчарова қилган қабоҳати, жиноятига яраша жазосини олди.

Шуҳрат СУЯРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР САРИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

ИМТИЁЗ ва рағбат ҳамиша улкан мақсадлар, янги-янги изланишлар сари йўл очади. Шу мəнода, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига берилаттган юксак эътибор ишбилармонлари миллий иктисодиётимиз равнаси учун янада гайрат ва шижоат билан меҳнат килишига унда-моқда, десак айни ҳақиқатидир.

Бу жараба молия мусассасаларининг ўрни ортиб бориши табий ҳол, албатта. Бинобарин, тижорат банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар тадбиркорлик субъектарини ташкил этиш, импорт ўрнини босувви ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш, қисқа кириб айтганда, юртимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда мухим аҳамиятта эга.

Кувонарлиси, мамлакатимизда яратилган кулаӣ сармоявий муҳит банк мусассасаларининг мувафқиятили фаолиятини таъминловчи бош омил бўлмоқда. Бунга "Асака" банкининг Қашқадарё вилоятини филиали фаолияти мисолида ҳам амин бўлиш мумкин.

Молия хизматлари бозорида ўз етакчи мавқенини мустаҳкам сақлаб келлаттган "Асака" банкининг Қашқадарё вилоятини филиали ваколати доирасида мижозларга барча турдаги банк хизматларини тақдид этмоқда. Ахолидан ва юридик шахслардан жабд этилган бўш пул маблагларини иктисодиётининг муҳим ишлаб чиқариш соҳаларига самарали равишда йўналтириб, бу маблаглар омонатчиларнинг, мижозларнинг ва акциядорларнинг манфаатларига мос равища кўлпайтириб борилмоқда.

Филиалнинг малакали мутахассислари томонидан кичик бизнес вакилларига, тадбиркорларга маслаҳатлар ва яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига филиал томонидан иктисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит кўйилмалари ҳажми 343,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Кредит кўйилмаларининг асосий қисмиси узоқ муддатли кредитлар ташкил этади. 2018 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 53,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

"Асака" банк қошида ташкил қилинган нодавлат тиббиёт мусассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблаглари хисобидан тадбиркорларга тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олиш учун ўтган йилда 2,0 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли шартларда кредит маблаглари ажратилди. Бундан ташкири, фаолиятини кенгайтирган хусусий тиббиёт мусассасаларига 1,1 миллиард сўм миқдорида кредит маблаглари ажратилди.

Мамлакатимиз Президентининг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириклари ихоросини таъминлаш мақсадида "Big Agro Export" масъулияти чекланган жамияти томонидан нўхат ва мosh

етишишириш, қайта ишлаш, экспорт қилишига мўлжалланган логистика маркази ташкил этишига банк филиали томонидан имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. "Big Bio Impex" масъулияти чекланган жамияти Дехқонобод туманининг Туркманистон Республикаси билан чегарадош худудида коврак ўсимлигини этишишира ва экспорт қилишига мўлжалланган лойҳаси имтиёзли шартларда молишаширилди.

Кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари маблаглари хисобидан ҳам кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, "Асиљек соф савдо" хусусий корхонаси, "Каррон омад савдо" ва "Мехри кўщанд аъло" масъулияти чекланган жамиятларига гидропоник усусда замонавий иссиқхоналар ташкил этиш учун "Golden Pilot Special Plastic" масъулияти чекланган жамиятига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадоқлаш учун ишлатиладиган гоффа кутиларини ишлаб чиқариш мақсадида узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

"Асака" банк Қашқадарё вилоятини филиали томонидан Қарши шаҳридан ўй-жой курилишинининг молишаширилиши ва куриб битказилиши натижасида бир неча оиласлар ўй-жой билан таъминланди. Мазкур ўйларнинг биринчи қавати замонавий савдо дўёнолари ва маший хизмат кўрсатиш мусассасаларига мўлжалланган. Бу эса, ўннаватида, аҳоли учун вилоят тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқрилган ва этиширилган маҳсулотларни сотишига ва хизматлар кўрсатишига ҳамда янги иш ўринларини яратишига замон яратди.

Банкинг бу соҳадаги тадбирлари кўлами анча кенг ҳамда салмоқли ва унга доир мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хулоса ўрнида айтганда, мижозлар манфаати банк ходимлари учун доимо устувор ва ҳамиша асосий ўринни эгаллайди.

**Зокирхон СУЛТАНОВ,
"Узоқ бобо" хусусий ишлаб
чиқариш савдо фирмаси
бошлиғи:**

— Корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, яъни полиграфия фаолиятини ташкил қилиш мақсадида замонавий рақамли чоп этиш ускунасини олиб нишояди "Асака" банкининг Қашқадарё вилоят филиалига мурожаат қилдик. Банк мътумуряти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблагни ажратиб берди. Банк кредити хисобига хориждан замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик, турли хил буқлетлар, таклифномалар ва баннерлардан котишини ўйла кўйдик. Бунинг натижасида ўнга янги янги иш ўрини яратиди.

Корхонамиз ва "Асака" банк ўртасидаги ишончли ва фойдали ҳамкорлик бундан кейин ҳам самарали давом этишига астойдил умид болгаймиз.



**Шакарбек ХАМРАЕВ,
"Эзгу діёр паррандаси"
масъулияти чекланган
жамияти бошлиғи:**

— Ҳар бир оила тадбиркор" Дастури доирасида "Асака" банк томонидан ажратилган имтиёзли кредит маблаги хисобига ҳарид қилинган наслии товуқ тухумидан брольер жўжалар этиширишга мувффак бўлдик. Бунинг натижасида кўшимча 5 та янги иш ўрини яратдилди. Бугунга келиб корхонамиз қарамогидаги жўжалар кундан-кунга кўпайиб, ҳозир хўжалигимиз моддий ва молиявий барқарорлик йўлидан дадил бораияти. Паррандацилик фаолияти натижасида гўшт ва тухум маҳсулотларини этишириш ҳажмининг оширилиши катта миқдорда сармояга гаров бўлди.

Юртимизда оиласлар тадбиркорлик ҳаракати туфайли тадбиркорлар сафи кенгайрай, ахолининг даромадлари ошиб бормоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз аҳолисининг турмуш шароити яхшиланиб, яшаш тарзи фаронлашмоқда. Бунчанд олижаноб саъй-ҳаракатларга барча тадбиркорлар қатори мен ҳам самарали улуш кўшаёттанимдан баҳтиёрман. Бунда бизга "Асака" банк молиявий кўмагига қанот бўлмоқда.

**Байрамали АННАЕВ,
"Норпуплатов Шахрам
Байрамалиевич" хусусий
корхонаси бошлиғи:**

— Вилоятимиз аҳолисига тиббиёт хизматлар кўрсатиш сифатини ва тезкорлигини ошириш мақсадида тиббиёт

ёт мусассасамизни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашни ният қилдик ва бизнес режа тудик. Мақсадимиз малакали мутахассисларни жабд қилиб, вилоятимиз аҳолисига замонавий ва сифатли тиббиёт хизматлар кўрсатишни билан биргалиқда янги иш ўринларини ташкил қилиш эди. Лоиханинама амалга ошириш мақсадида молиявий кўмак учун "Асака" банк Қашқадарё вилоятини филиалига мурожат этдик. Банк томонидан бизнинг лойҳа қисқа муддатларда кўриб қилинди ва молияштирилди. Банк кредит хисобига чет зандан замонавий тиббиёт ускуналарни келишибиришга мувффак бўлдик. Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисига юқори сифатли тиббиёт хизматлар кўрсатмоқдамиз. Халқимизнинг соглом ва фаровон ҳаёт кечиришига ўз хиссамизни кўшаёттанимиздан хурсандмиз. Бизнинг режаларимизни ҳаётга тезроқ татбиқ қилишда Навоий кўмак берганликлари учун "Асака" банк жамоасига ўз миннадорчилигимизни билдирамиз.

Банк Ахборот хизмати

Хизматлар лицензияланган.

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигига олиган
0081-рәком билан
рўйхатга олинган

12538 2010-7447

1772010 781008

**Бош
мухаррир**
**Кўчкор
НОРҚОБИЛ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошкунов Айбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Мирхалилович
Тохиров Фуркат Шомуродович
Исламоваров Ербек Нурибекович
Эргашева Дилғуз Рустамовна
Мамадалиев Зайнiddин Очилович

Навбатчи
Мадхия
Авазова
Сахифаловчи-
дизайнер
Жасур
Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳрири компьютер базасида терниди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоб ҳажмдида, оғефес усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбати ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шахри, Навоий кӯчаси, 30-йи.
Ушбу сонда ўзА
суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш.
Сайилпоҳ кӯчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09
Бахси келишишган нарха
1 2 3 4 5

**ИНСОН
ҚОНУН**
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz